Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**05.01.2022 даги**

**O'zR Milliy gvardiyasi Toshkent shahar qo`riqlash boshqarmasi va O‘zbekiston Respublikasi Turizm va sport vazirligi ўртасида 208992960,00 сўм умумий суммага тузилган 16791-Х - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 245

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100010860262667047301245005

сўмда

| **2022 й. ойлар номи.** | **Харажатлар тури****<br>**(бюджет таснифининг тегишли коди)** | | | **Жами** |
|---|---|---|---|---|
| | **4293000** | | | |
| Январь | 71 986 464,00 | | | 71 986 464,00 |
| Февраль | 65 020 032,00 | | | 65 020 032,00 |
| Март | 71 986 464,00 | | | 71 986 464,00 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **208 992 960,00** | | | **208 992 960,00** |

Жами 208992960,00 сўм — Икки юз саккиз миллион тўққиз юз тўқсон икки минг тўққиз юз олтмиш сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан ___________ сўм ёки ____ % *** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ________________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ____% жорий ойнинг ____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга оширишда ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ____________ Казаков З.О.

(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ____________ Махмудов Ш. Б.

(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ____________

(имзо)

«___» _________________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ____________

(имзо)

«___» _________________ 20___й.

**Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича**

**Ш А Р Т Н О М А**

"05" 01 2022 йил №16791-Х-сон Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш Бош бошқармаси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда "**Ижрочи**" деб юритилади) бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазири ўринбосари З.О.Казаков (кейинги ўринларда **"Буюртмачи"** деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда "**Томонлар"** деб юритилади) мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи, ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ва кўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий шартлар**

2. **Буюртмачи** обьектни қўриқлашга топширади ва "**Қўриқлаш**" эса ушбу вазифани қуйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Юнусобод туман Қўриқлаш бўлими **ҳарбийлаштирилган қўриқлаш** хизмати орқали **2 та 24 соатлик (соат 09:00дан 09:00гача, дам олиш кунларисиз)** қўриқлаш пости билан**,** Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси 107-Б уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазирлиги биноси ҳамда Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Юнусобод туман Қўриқлаш бўлими **ҳарбийлаштирилган қўриқлаш** хизмати орқали **1 та 24 соатлик (соат 09:00дан 09:00гача, дам олиш кунларисиз)** қўриқлаш пости билан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси 2-уй биноларини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва объектда қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш томонларнинг келишувига асосан йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

## 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати шартноманнинг 1-Иловаси (сарф харажатлар сметаси)га мувофиқ амалга оширилади. ***(қўшимча қиймат солиғисиз).***

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **ойлик тўловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади.

12. Буюртмачи Томонлар ўртасида тасдиқланган, ҳисоб варақасида кўрсатилган ойлик тўловини ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

## 4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

**13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга**:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош анжомлари (экипировкаси) мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

**14. Буюртмачининг мажбуриятлари**:

Мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 202  йил “___”_________ кунидаги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

Ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 5 метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга

O'ZBEKISTON ... RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR QO'RIQLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
20___yil «____»__________da
_______RAQAM BILAN
QAYD ETILDI IMZO

ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 7 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёқиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қилмаслик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси) мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

қўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, қўриқлаш вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

## 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Томонлар ўртасида тасдиқланган, ҳисоб варақасида кўрсатилган ойликни Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
TOSHKENT SHAHAR QO'RIQLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
20___ yil «___»__________da
________RAQAM BILAN
QAYD ETILDI ________ IMZO

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

**6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

**7-боб. Форс-мажор**

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

**8-боб. Якуний қоидалар**

28. Мазкур Шартнома имзоланиб тегишли штат бирлиги ажратилгач кучга киради.

Мазкур Шартнома Томонлар имзолаб ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

29. Мазкур Шартномага хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

Ушбу шартнома 2022 йилнинг 31 декабр куни охирига қадар **3 (уч) нусхада** тузилиб, биринчи нусхаси штат бирлиги ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасига, иккинчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармасига ва учинчи нусхаси эса Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазирлигига берилади.

Шартнома Томонлар тарафидан имзоланиб белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришга киришган ҳисобланади.

Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган холда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. **Буюртмачи** алоҳида объектларни қўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига _икки ой_** олдин ёзма равишда маълум қилади.

35.Томонлар ўзлари тузган шартнома шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август кунидаги "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 670-I-сонли Қонунининг 13,15-моддалари талабига мувофиқ ушбу шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг кучга киради, ва 2021йил 30-август кунидаги 16437 М–сонли шартнома ўз кучини йўқотади.

## 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

**Ижрочи**
Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси
Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси:

**Юридик манзили:** Тошкент шаҳар
Марказ-4 Қашқар кўчаси 3-уй
**Банк реквизитлари:**
Х/р: 21 596 000 300 447 995 001
**МФО:** 00014
**СТИР:** 202 628 856
**ИФУТ:** 80200
Ўз.Р. Марказий банки Бош
Бошқармасининг ҲКМ Тошкент шахри

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи**

**Қ.А.Шодибеков**

**Буюртмачи**
Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт
Вазирлиги

O'zbekiston Respublikasi Turizm va sport vazirligi
Manzil: 100084, A. Temur ko'chasi 107-B uy Tel: 71-205-06-00
Sh/hv: 400010860262667047301245005
STIR: 200 523 578 OKED: 84111
O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi g'aznachiligi
H/r: 2340 2000 3001 0000 1010
Bank: O'zRes Markaziy bankining Toshkent shahar HKKM
MFO: 00014 STIR: 201 122 919

**Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазири ўринбосари**

**З.О.Казаков**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
TOSHKENT SHAHAR QO'RIQLASH BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
2021 yil «31» 12 da
9281 RAQAM BILAN
QAYD ETILDI IMZO

юрист Хонтова Н

| “ТАСДИҚЛАЙМАН” | “ТАСДИҚЛАЙМАН” |
| --- | --- |
| Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи | Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт вазири ўринбосари |
| **Қ.А.Шодибеков** | **З.О.Казаков** |

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси 107 Б-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Туризмни ва Спорт вазирлиги биноси ҳамда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Абдулла Қодирий кўчаси 2-уй биноларини қўриқлашда хизмат қилаётган Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Юнусобод тумани қўриқлаш бўлими **ҳарбийлаштирилган қўриқлаш** шахсий таркибини 2022 йилнинг 01 январь кунидан бошлаб моддий таъминлаш тўғрисида

## ҲИСОБ ВАРАҚАСИ

| Қўриқлаш ойлари | Пост сони | Қўриқлаш вақти | Бир ойлик қўриқлаш вақти | Қўриқлаш пост / соат нархи | Жами |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- |
| Январь | 3 | 24 соат | 2 232 соат | 32 252 сўм | 71 986 464,00 сўм |
| Февраль | 3 | 24 соат | 2 016 соат | 32 252 сўм | 65 020 032,00 сўм |
| Март | 3 | 24 соат | 2 232 соат | 32 252 сўм | 71 986 464,00 сўм |
| Жами: | | | | | 208 992 960,00 сўм |

**ЖАМИ:** **208 992 960,00 сўм**

Икки юз саккиз миллион тўққиз юз тўқсон икки минг тўққиз юз олтмиш сўм, 00 тийин

Тошкент шаҳар Қўриқлаш
бошқармаси МИБ бошлиғи **Н.Н.Рўзибоев**

---

**Асос:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги 5029-сонли Қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 августдаги ПФ-6279-сонли Фармони

Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси
Юнусобод тумани қўриқлаш бўлими
бошлиғи **С.А.Абдукадиров**

«К Е Л И Ш И Л Г А Н»
Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазири ўринбосари

З.Казаков

«____» ______________ 2022 йил

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Юнусобод тумани Қўриқлаш бўлими бошлиғи подполковник

С.А.Абдуқодиров

«____» ______________ 2022 йил

Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Юнусобод тумани қўриқлаш бўлими Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати шахсий таркиби томонидан қўриқланадиган Юнусобод тумани, А.Қодирий кўчаси 2- уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазирлиги ҳудуди ва биносига 2022-йил учун кириб-чикиш тартиби ҳамда ички режими тўғрисида

# 1. Й Ў Р И Қ Н О М А С И

1.1. Ушбу хужжатнинг ўзига хос хусусиятлари қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани А.Қодирий кўчаси 2-уйда жойлашган Туризм ва Спорт Вазирлиги биноси ҳудудига кириб-чиқувчи барча ишчи – хизматчилар ва ташриф буюрувчи фуқароларга мажбурийдир. Кириш-чиқиш тартибининг ҳар турдаги бузилиши фавқулотда ҳодиса деб ҳисобланади, текширув ишлари олиб борилади ва тартиб бузувчига нисбатан зарурий таъсир чоралари қўлланилади.

1.2. Туризим ва спорт вазирлигига қарашли бино ҳудуди Тошкен шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Юнусобод тумани қўриқлаш бўлими ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан ҳудудга кириш дарвозаси олдида 1 та 24 соатлик НЎП орқали бинога кирилади.

## 2. Хўжалик идораси ходимларнинг мажбуриятлари

2.1. Белгиланган хужжатларни кўрсатиб кириб чиқиш тартиби ва ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш, белгиланган тартибни таъминлашда қўриқлаш ходимига амалий ёрдам кўрсатиш.

2.2. Бино ҳудудига кириш учун хўжалик идораси томонидан рухсат этилгандан сўнг постдаги хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходими томонидан киритилади.

2.3. Алоҳида хоналарнинг ойналарини ёпилганлигини текшириш. Шахсий буюмлар йўқолганда қўриқлаш ходимлари жавобгарликни зиммаларига олмайдилар.

2.4. Бинога ташриф буюрган ҳар қандай фуқаро бино ҳудудига киришига рухсат этилган ҳолларда киритилиши таъминланади.

2.5. Ёнғиндан сақланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш, чекиш учун ажратилган жойларда чекиш, йўлаклар, зинапоя майдончалари ва чиқиш йўлакларига турли жихозлар ва ёнувчи моддаларни ташламаслик.

2.6. Хўжалик идораси ходимларнинг бинога кириш-чиқиши махсус рухсатнома ёки рўйҳат асосида ташкил этилади.

## 3. Хўжалик идораси ходимларига қатъиян ман қилинади

3.1. Қўлбола электр иситгич асбобларидан фойдаланиш, компьютер ва электр-техника воситаларини ёқилган ҳолда ташлаб кетиш.

3.2. Ўт ўчириш идораларининг рухсатисиз, бино ҳудудида, бино ва хизмат хоналарида электр пайвандлаш ишларини олиб бориш.

3.3. Бино қаватлари бўйлаб қўшимча чиқиш эшикларини постдаги қўриқлаш хизмати ходимларининг рухсатисиз очиш (барча эшиклар мухрланган бўлиши лозим).

3.4. Бино қаватлари бўйлаб дераза ромларини очиқ ҳолатда ташлаб кетиш.

3.5. Қўриқлаш бўлими рахбарлари иштирокисиз постни жойини ўзгартириш, зарурат туғилган холларда ўрнатилган тартибда ўзгартирилиши мумкин.

## 4. Миллий гвардия ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимларининг мажбуриятлари

4.1. Постдаги қўриқлаш хизмати ходимлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли буйруқлари ва Туризм ва Спорт Вазирлиги ҳудудига кириб-чиқиш тартиби ва ички режими тўғрисидаги йўриқномасига таянадилар.

4.2. Бино худудини хушёрлик ва зийраклик билан виждонан қўриқлаш, вазирлик ва унга тегишли ходимларининг жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳудудига кириб-чикишларини назорат қилиш, ҳудудга кириш ва чиқиш хуқуқини берувчи рухсатномаларни ҳамда олиб чиқилаётган буюмларни назоратдан ўтказиш.

4.3. Қимматбаҳо буюмларни оғзаки фармон билан олиб чиқиш ва олиб киришга йўл қўймаслик.

4.4. Бинодан олиб чиқилаётган буюмларни, уларни олиб чиқиб кетаётган шахсларнинг хужжатларини текшириш, қонунга хилоф ходисалар рўй берган ҳолатларда икки нусҳада далолатнома тузиб, тортиб олинган буюмлар ва улар билан ушланган шахснинг тушунтириш хати зудлик билан Юнусобод тумани қўриқллаш бўлими раҳбарияти ҳамда навбатчисига хабар берилиб, Юнусобод туман ИИО ФМБ навбатчилик қисмига топширилади.

## 5. Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимларига хизмат вақтида ман этилади.

5.1. Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходимлари хизматини сустлик билан олиб бориш, ухлаш, китоб, рўзнома ва ойномаларни ўқиш, уяли алоқа телефонидан фойдаланиш ва фуқаролар билан хизматга доир бўлмаган сухбатлар олиб бориш.

5.2 Махсус воситаларни ҳар кимга бериш ва бегона шахсларга кўрсатиш.

5.3 Ўз хизмат жойини, постни ташлаб кетиш, агарда ҳаёти хавф остида қолса ҳам, шунингдек соғлиги ёмонлашган тақдирида қачонки ўрнига бошқа ходим кегунига қадар.

**«РОЗИМАН»**
Тошкен шаҳар Қўриқлаш бошқармаси
Юнусобод тумани бошлиғи ўринбосари
майор

**Б.Е.Даутбеков**

«___»_________2022 йил

**«ТУЗУВЧИ»**
**Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазирлиги иш бошқарувчиси**

**Т.Хамидуллаев**

«___»_________2022 йил

«К Е Л И Ш И Л Г А Н»
Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазири ўринбосари

З.Казаков

«____» ____________ 2021 йил

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Юнусобод тумани Қўриқлаш бўлими бошлиғи подполковник

С.А.Абдуқодиров

«____» ____________ 2021 йил

Юнусобод тумани А.Қодирий кўчаси 2-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазирлиги биносини Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Юнусобод тумани қўриқлаш бўлими ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати шахсий таркиби томонидан қўриқлаш учун 2022 йил ташкил этилган пост

**Ж О Й Л А Ш У В И:**

| **Пост сони ва вакти** | **Пост йуналиши ва чегаралари** | **Кабул килиш ёки топширишга киритилган буюмлар** | **қўриқлаш хизмати ходимларининг хизмат вазифалари** | **Илова** |
|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** |
| 1 - 24 соат-лик пост 09:00 дан эрта-си кун 09:00 гача | Бино ҳудуди-га асосий кириш-чиқиш дарвоза-си олдида ташкил этилган НЎПда | Хизмат хужжатларида руйхатдан кайд этилган буюмлар, рухсатнома нусхаларидан намуналар, анжомлар ва керакли хоналарни мухрланган холда кабул килиш ва топшириш. | 1. Ҳарбийлаштирилган қўриқлаш хизмати ходими ўз хизмат вазифасини бажаришдан олдин постни кўздан кечириб чиқиши шарт. Ўрнатилган тартиб бўйича топшириш, қабул қилиш, постдаги хужжатлар телефон, огохлантирувчи техник воситаларни созлиги, қўриқловдаги алоҳида хонанинг эшик ва деразаларни созлигини текшириши, камчиликлар аникланганда дархол бўлим рахбариятига,бўлим навбатчига хамда хўжалик идораси рахбарятига хабар бериши, улар келгунига қадар тегишли чора – тадбирлар кўриши ва дафтарга ёзма равишда қайд килиши шарт.<br>2.Пост хонасини текшириш ва камчилик йўклигига иншонч хосил килиш, камчилик аниқланган холларда улар хақида иншоот рахбариятига зудлик билан хабар бериш;<br>3.Ҳудудга бегона шахсларни тегишли хужжатларсиз киритмаслик;<br>4.Ҳудудга ҳар–хил буюм ва ашёларни олиб кириш ва олиб чиқиш рахбариятни ёзма рухсати билан амалга оширилади;<br><br>2.Ҳудудга катта ҳажмли рўзғор сумкалари | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | билан ва фуқаро маънавий қиёфасига тўғри келмайдиган кийимларда киришга рухсат бермаслик;<br>6.Хизмат вақтида табель куроли Ўзбекистон Республикаси МГнинг меъёрий буйруғи асосида ишлатилади. | |

**Постдаги, қўриқлаш хизмати ходимларига қуйидагилар ман этилади:**

-Хизмат олиб бориш вақтида ухлаш, ўқиш, куйлаш, спиртли ичимлик ичиш, чекиш, хизматдан чалғиш, хушёрлик ва огохликдан чалғитувчи ишлар билан шуғулланиш;

-Кимлигидан қатъий назар, бировга бир нарса бериш ва бировдан бир нарса олиш;

-Ҳаёти хавф остида бўлганда хам пост алмаштирилгунга қадар ёки топширилгунга қадар ўзбошимчалик билан постни ташлаб кетиш, ёки қўриқловни бегона шахсларга топшириш;

-Хизмат вақтида шахсий қўл телефонидан фойдаланиш;

-Фуқароларга нисбатан такаббур, қўпол, димоғдор бўлиш, кинояли ёки беодоб тарзда фикр билдириш, инсон шаънини хақоратлайдиган пичинглар ва ибораларни қўллаш, камситиш;

-Қўриқланаётган объектнинг ишчи хизматчилари ва фуқаролар билан хизмат ўташга алоқаси бўлмаган мавзуларда сухбатлашиш, радио, телевизор, магнитофон ва шунга ўхшаш техника воситалардан фойдаланиш;

-Тўсатдан касал бўлиб қолган тақдирда қўриқлаш бўлими бўйича маъсул ходимга ва наряд бошлиғига маълум қилгандан сўнг ўриндоши келгунга қадар хизмат жойини ташлаб кетиш;

-Ўзбошимчалик билан ёки объект маъмурияти илтимосига кўра эшик-деразалар қулфини очиш, мухрлар қўйиш, ёнғин хавфсизлиги анжомларини бошқа жойга олиш;

-Қўриқлаш хизмати ходимлари хўжалик идораси вакилларисиз ўзбошимчалик билан хизмат хоналарга кириши;

-Радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, постдаги шахар телефони орқали хизматга таалуқли бўлмаган сухбатларни олиб бориш;

-Кириш-чиқиш тартибига асосан кириш хуқуқига эга бўлмаган ёки белгиланмаган вақтда келган шахслар, шунингдек объект ходимларининг қариндош уруғлари, танишлари ва хизматда бўлмаган миллий гивардия ходимларини объектга киритиш;

-Объектда иш вақти тугаб, қўриқловга топширилгандан сўнг жихозлар ва турли техникалардан фойдаланиш **ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ**.

**«Р О З И М А Н»**
Юнусобод тумани қўриқлаш бўлими бошлиғи ўринбосари майор

**Б.Е.Даутбеков**

«___ »_________2022 йил

**«ТУЗУВЧИ»**
Тошкен шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Юнусобод тумани ҚБ кичик инспектори кичик сержант

**О.А.Бутаев**

«___»_________2022 йил

**« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »**
**Юнусобод тумани Қўриқлаш бўлими**
**Бошлиғи подполковник**

**С.А.Абдуқодиров**

«____» ________________2022 йил.

**« КЕЛИШИЛГАН »**
**Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазири ўринбосари**

**З.Казаков**

«____» ________________2022 йил




- Туризим ва спорт жамғармаси Юнусобод туман ҚБ ходими постлари
- қўшимча эшиклар
- кириш-чиқиш дарвозалари
- асосий кириш-чиқиш эшиклари

- банк иншоотиқоровул пости
- банк иншооти милиция пости

**Юнусобод қўриқлаш бўлими**
**бошлиғи ўринбосари майор**

**Б.Е.Даутбеков**

«___»__________2022 йил

" Согласовано "
Заместитель министра финансов
Республики Узбекистан
______________ А. Хайдаров
" 13 " ___09___ 2021 год.

" Утверждаю "
Командующий Национальной
гвардией Республики Узбекистан
______________ Р. Джураев
" 13 " ___09___ 2021 год.

Тарифы
за услуги охраны оказываемые подразделениями
**Главного управления охраны Национальной гвардии Республики Узбекистан.**
**Вводится в действие с 01 сентября 2021 года**

| Наименование услуги охраны | Единица измерения | Стоимость одного поста-часа услуг охраны |
|---|---|---|
| **1. Строевые подразделения службы охраны** | | |
| 1.1. Охрана по сторожевому расчету на 6 единиц | поста-час (сум) | 58 304 |
| 1.2. Охрана по особо важным и категорированным объектам на 9 единиц | поста-час (сум) | 88 469 |
| 1.3. Охрана по сопровождению денежных средств и ТМЦ на 1 единицу | чел-час (сум) | 37 967 |
| **2. Центры и пункты технической охраны (ЦПТО)** | | |
| 2.1. Центры и пункты технической охраны | поста-час (сум) | 6 256 |
| **3. Военизированные подразделения службы охраны** | | |
| 3.1. Военизированная охрана по категорированным объектам на 9 единиц | поста-час (сум) | 47 384 |
| 3.2. Военизированная охрана контролеров на 6 единиц | поста-час (сум) | 32 252 |
| 3.3. Военизированная охрана стрелков на 6 единиц | поста-час (сум) | 30 209 |
| **4. Охрана вольнонаемными сторожами службы охраны** | | |
| 4.1. Сторожевая охрана на 4.5 единиц | поста-час (сум) | 16 716 |

Примечание: - В районах и местностях, где к заработной плате применяются районные коэффициенты, размер заработной платы увеличиваются в установленных размерах;
- в уполномоченных банках, где за кассовое обслуживание взимаются комиссионные размер тарифа посто часа увеличивается на процент комиссии банка;
- оплата за 1 - го часа услуг по сигналам "Тревога" с объекта взымается в размере **50% от тарифа стоимости 1-го часа** охраны **ЦПТО.**
- оплата расходов автотранспортных средств, используемых на авто, мотомаршруте, для мобильных групп, а также для перевозки и контроля нарядов охраны в удаленные (труднодоступные) местности от населенных пунктов осуществляется с учетом затрат определенного вида транспортных средств путем вычета машин/час.

**Первый заместитель начальника Главного управления охраны**
**Национальной гвардии Республики Узбекистан** **А. Эшкабулов**

**Начальник Финансово-экономического управления**
**Национальной гвардии Республики Узбекистан** **Д. Хасилов**